

Чор Русиясининг Марказий Осиёни узок йиллар мустамлака кишанларида тутиб тургани тарихдан маълум. Уларнинг бу улкан худудни ўз тасарруфларида тутиб туришларининг асл максади ўзлари даъво қилгандай Туркистон халқларига тараккиёт ва маданият олиб келиш эмас, мазлум халқни тинимсиз ишлатиш хисобига топилган бойликларни юртларига ташиб кетиш, кўп йиллар гуллаб-яшнаган ўлкани иложи борича талон-тарож қилиш эди. Бунга узокдан дадил қидирмайлик-да, яхшиси мустамлакачиларнинг вакилларига ва кўзи очик мутафаккирларнинг сўзларига мурожаат қила қолайлик: Бу халққа (ўрта осиеликлар — туркистонликларга) иложи борича, мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хохиши қолмасин... Амир исёнкорларидан бирортаси ҳам асир олинмасин, қулга тушганларнинг ҳаммаси, хаттоки ярадорлар ҳам отиб ташлансин!... Биз хон билан эмас, балки халқ билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади, Руслар Ўрта Осиёда бундай (Кўкондагидек) узок ва каттик қаршиликка дуч келмаган эдилар... Улуг рус подшохи бизга кўшни давлатларда хон ва халқ ўртасида низо чиқишига йўл қўймаслигига инончимиз қолди...

Фон Кауфман, Туркистон генерал-губернатори.

Ўлкани (1860-70-йилларда Ўрта Осиё ва Козогистонни) руслар эгаллаганидан кейин аҳолининг аҳоли кундан-кунга ёмонлашиб ва оғирлашиб борди. Аҳолидан биз кўп нарсани талаб этмоқдамиз. Улардан солиқ йиғишда эса биз тобора юксакликка кўтарилмоқдамиз, лекин халққа нима қилдик? Тошкентда ва турли комиссияларда айтилган сўзлардан бошқа халқ хўжалиги учун биз ҳеч нарса қилмадик.

Ч. Раевский, чор Россияси амалдори.

Туркистон ўлкаси Россияга фойда келтириши мумкин бўлибгина қолмай, балки шундай қилишга мажбурдир. Бу фойдалар Россиянинг ўлкани истило қилиш давридаги ҳамда қурилиш ишларига кетган харажатларни қоплаши керак. Россия империяси харбий вазирлигининг 1906 йил март ойида граф Вите жаноблари номига йўллаган мактубидан.

Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар, хатто масжидларга кўнгирик осий ҳаракатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмдорликларини кўрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар...

Туркистонда ишлатилмоқда бўлган ерларнинг 55 фоизи рус келгиндиларининг қўлига ўтди. Шундай қилиб, чор ҳукумати Туркистонда ерли халқларни эзидан бошқа ҳеч бир иш кўрсатмади. Ўзининг кетинда (орқада) қолганлиги ва фойдалана олмаганлиги сабабли, чор ҳукуматининг энг бой бўлган тоғ маъданларини ишлатишга ҳеч қимга ихтиёр бўлмади...

Турор Рискулов, давлат ва жамоат арбоби.

Биз Туркистонга маданият олиб келдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиеликларга тинчлик ва осойишталик бердик, деб ўзимизни овутаимиз. Аммо буларда (туркистонликларда) ҳам бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир.

Мусулмонлар ахволини тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим (миллий давлатчиликнинг йўқотилиши) огир, миллий ўлим эса ундан ҳам огиррокдир. Бизнинг хукмронлигимизда улар худди шундай ахволга тушдилар. Бас, шундай экан, хукмронлигимизга карши галаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўк. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халк оч ёки тўқлигидан катъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак.

Н. Н. Веселовский, тарихчи.

Агар рус хукумати ўз даврида илм-фаннинг канчадан-канча яловбардорларини етказган шонли араб мадрасаларини мусулмон фукаролари учун рус замонида қайта тиклаганларида эди, Ватан ва инсоният олдида буюк хизмат килган бўларди...

Биз — туркий халклар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий этнографик бирлик ўларок яшаб келдик, худди шундай яшамогимиз керакдир...

Руслаштириш авжида, Идил-Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёқда турсин, масжидга имом ҳам миссионер Н. Илминский рухсатисиз тайинланмайди.

Туркистонда Остроумов тўра, Кавказнинг ҳам ўз тўралари (руслар)дан бошқасини миллат деб ҳисобламайдилар...

Исмоилбек Гаспирали, буюк маърифатпарвар адиб.